2013 йил 11 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (12.320)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Ахмедов Суннатила Маматалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кувватов Рустам Мамарасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Кутлимуратов Илхам Мадиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Нарзиев Акрамжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Пардаев Хусанали Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошқарма бошлиғи

**Сайфудинов Зокиржон Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Ким Инесса Коминтерновна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра профессори

### «Мардлик» ордени билан

**Абдурахмонов Абдували Абдубаннобович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Кучкаров Музаффар** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи

**Кўчкаров Мухаммаджон Махмудович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Норов Учкунжон Хамдамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Раджабов Тимур Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Нуриддин Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Марат Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умаров Бахронқул Суюнқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

### «Жасорат» медали билан

**Бадалбаев Хасан Махкамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Баймурзаев Даврон Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Джураев Элбек Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг гуруҳ йўриқчиси

**Зоиров Алишер Тураевич** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

**Идрисов Жамшиджон Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари минтақавий штабининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ — ШАРАФЛИ ВАЗИФА

***Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари 2012 йилда жаҳон ва қитъа миқёсидаги 85 мусобақада қатнашиб, жами 222 медални қўлга киритди.***

Буюк Британиянинг Лондон шаҳри мезбонлик қилган XXX ёзги Олимпия ўйинларида мазкур клубнинг 21 нафар аъзоси Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Катта лейтенантлар – дзюдочи Ришод Собиров ва боксчи Аббос Атоев Олимпия ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди. Моҳир боксчилардан Элшод Расулов, Фазлиддин Ғойибназаров, Жасур Латипов, дзюдо устаси Рамзиддин Саидов, оғир атлетикачи Иван Ефремов, таэквондочилардан Дмитрий Ким, Наталья Маматова, трамполин устаси Екатерина Хилько, ўқ отиш бўйича Сакина Мамедова, енгил атлетикачилардан Александра Котлярова, Надия Дўсанова, Анастасия Журавлёванинг натижалари ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

– Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш, давлатимиз байроғини доимо баланд тутиш бизнинг ҳам спортчи, ҳам ҳарбий офицер сифатидаги муқаддас бурчимиздир, – дейди Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, катта лейтенант Ришод Собиров. – Бу туйғу бизга ғайрат-шижоат бағишлайди, янги-янги ғалабалар сари руҳлантиради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 19 мартдаги фармонига биноан ташкил этилган Марказий ҳарбий спорт клуби Қуролли Кучларимиз сафини жисмонан ва маънан соғлом ёшлар билан бойитиш, уларни ҳарбий ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбийларимизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, миллий терма жамоаларимиз таркибини маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мазкур клубда 600 нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг дзюдо, бокс, кураш, эркин ва юнон-рум кураши, енгил ва оғир атлетика, таэквондо ВТФ, теннис, трамполин, велоспорт, сув полоси, баскетбол, ўқ отиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, ҳарбий-амалий ва шарқ яккакураши каби турлари бўйича тажриба ва маҳоратини ошириб келмоқда. Улардан етти нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 193 нафари спорт устаси унвонига эга.

– Оддий спорт клубларидан фарқли ўлароқ, бизнинг клубимизда биринчи навбатда спортчиларнинг ҳарбий тартиб-интизомига эътибор берилади, – дейди МҲСК бошлиғи, полковник Шавкат Ўринов. – Бу уларни жисмоний ва техник тайёргарлигини мустаҳкамлаш, иродали, матонатли, мард ва жасур, ҳар қандай вазиятда Ватан ҳимоясига қодир, юқори малакали кадрлар этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Ўғил-қизлар илк қадамини МҲСК таркибидаги Олий маҳорат спорт мактабида бошлайди. Мактабда ўзининг истеъдодини намоён эта олган, турли мусобақаларда юқори натижаларга эришган ёшлар клуб таркибига спорт фаоллари, МҲСК спорт жамоасига хизматчи сифатида, сўнгра эса шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинади. Клуб аъзолари спорт билан шуғулланиш баробарида ўз касб маҳоратини ошириш, мудофаа тизимидаги бошқа соҳаларда фаолият юритиш имконига ҳам эга.

Машғулотлар пойтахтимиздаги замонавий спорт мажмуаларида, Тошкент вилоятидаги байдарка ва каноэда эшкак эшиш базасида олиб борилади. Бу ерда спортчилар учун барча шароитлар бор. Машғулот жараёнлари МҲСК тизимида фаолият юритаётган 36 нафар малакали мураббий бошчилигида ўтказилади.

Клубнинг спорт федерациялари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ҳарбий спортчиларга ўқув-машғулот йиғинларини юқори савияда ташкил этиш, халқаро мусобақаларда қатнашиш имконини бермоқда. Бугунги кунда МҲСКнинг 315 нафар спортчиси миллий терма жамоаларимиз таркибида қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2012 йилги мавсумда МҲСК спортчилари 87 олтин, 64 кумуш, 71 бронза, жами 222 медални қўлга киритди.

Ўз устида тинмай ишлаб, тажриба ва маҳоратини ошираётган, халқаро майдонда юқори натижаларга эришаётган Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари айни пайтда жорий мавсумда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Байрам АЙТМУРОДОВ**
**ЎзА мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Мажлис сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволашга оид фаолиятни янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида бундай касалликка чалинишни камайтириш, беморларнинг даволанишдан бош тортиши ҳолларига барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган «Силнинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди.

Шундан сўнг парламентнинг қуйи палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4453-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида шу нарса таъкидландики, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, лицензияланадиган ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш мақсадида тегишли лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини бекор қилишга қаратилган.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган вилоятида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирокида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуида маънавий-маданий тадбир ўтказилди. Унда Қуролли Кучларимиз сафида фидокорона хизмат қилаётган мард, жасур ўғлонларни вояга етказган ота-оналарга миннатдорлик билдирилди.**

**● Элликқалъа туманининг «Сарибий» овулида туманлараро сил касалликлари диспансери фойдаланишга топширилди. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3 қаватли ушбу тиббиёт маскани Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади.**

**● Навоий вилоятида 2003-2012 йилларда 69 та болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг аксарияти умумтаълим мактаблари қошида барпо этилгани эътиборга лойиқ. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида ҳамда дарсдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланиши учун яратилган бундай имконият уларнинг соғлом бўлиб улғайишларига хизмат қилаётир.**

**● Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Обод кўнгил – фаровон ҳаёт» деб номланган академик концерт бўлиб ўтди. Кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган мазкур концертда Ғарб ва Шарқнинг мумтоз куй-қўшиқлари таниқли ва ёш санъаткорлар томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Бугун ва эртага Чехияда президент сайловлари бўлиб ўтади. Унда мамлакат собиқ бош вазири Земаннинг ғалаба қозониши тахмин қилинмоқда.**

**● Кеча Покистоннинг жануби-ғарбида жойлашган Кветта шаҳрида террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Содир этилган портлаш натижасида камида ўн бир киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб аҳоли тан жароҳатлари олди.**

**● Кеча Озарбойжоннинг магистрал газ ўтказгичида газнинг сизиб чиқиши натижасида портлаш рўй берди. Портлашдан сўнг кучли ёнғин чиқди. Ёнғин тепалик жойда рўй бергани ва йўлнинг қор ҳамда муз билан қопланганлиги ўт ўчирувчи техникаларнинг етиб келишида катта қийинчиликлар туғдирди.**

**● Ҳиндистонда жаҳондаги энг улкан мусиқали ансамбль ташкил этилди. Унда фақат дўмбирачиларнинг ўзи 14 минг 883 кишидан иборат. Ушбу ғаройиб жамоа Гиннеснинг рекордлар китобидан ҳам ўрин олди.**

**● Сўнгги маълумотларга кўра, Еврохудудда ишсизлик даражаси 2012 йилнинг ноябрь ойида рекорд кўрсаткич — 11,8 фоизга кўтарилди. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда эса ишсизлик кўрсаткичи 10,8 фоизни ташкил этади. Шу тариқа ЕИ мамлакатларидаги ишсизларнинг умумий сони илк бор 26 миллион нафардан ошди.**

**● Ироқ археологлари Бағдод шаҳри яқинида Сосонийлар сулоласи даврига мансуб бўлган 66та ноёб олтин тангаларни топишди. Дастлабки маълумотларга кўра, тангалар бундан 1400 йил муқаддам чиқарилган. Ҳозирда олтин тангалар батафсил текширувдан ўтказиш учун лабораторияга топширилган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги 44-оилавий поликлиникада «Оила шифокори масъулияти» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири ташкил қилинди.

✓ **КЕЧА** Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Ободлик – кўнгил кўзгуси» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

***«Буюк ишларни амалга ошириш учун ҳеч қачон ўлмайдигандек яшаш керак». Француз адиби ана шундай лутф қилган экан. Бунинг замирида эртанги кунга ишонч туйғусини англадик.***

## Миллий ва фуқаролик масъулияти

Хўш, бизни қандай буюк ишлар кутмоқда? Албатта «буюк» сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, ҳажм, ўлчам, кўлам ҳақида ҳам бош қотираётгандирсиз. Ёки буюк иш деганда аллақандай улкан чўққиларни забт этиш, юксак иқтидор билан инсоният учун мисли кўрилмаган тадқиқот, кашфиёт қилинишига хаёлингиз кетгандир. Менимча, Ватан, миллат манфаати йўлида қилинадиган эзгу ишнинг – буюк ишнинг каттаси, кичиги бўлмайди. Шу маънода олиб қараганда, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимизнинг отаётган ҳар бир нурли тонги бизни буюк ишлар сари элтмоқда, улуғ марраларга кўтармоқда. Демак, бу жараёнга бефарқ бўлмаган, юксак дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган инсон борки, бу ишда ўз ҳиссасига эга.

Ўз эркимизни қўлга киритганимиздан эътиборан дунёдаги бошқа миллатлардан ортда қолмаслик йўлида ҳаракат қиляпмиз. Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни айтяпмиз, жаҳонга. Бу борада шу халққа, шу миллатга мансуб ҳар бир киши жавобгарлик туйғусини теран ҳис қилмоғи лозим. Ҳар бир хатти-ҳаракатимизда шу юрт, шу миллат манфаатини ўйламоғимиз, ана шундайин эзгу орзу-мақсадлар билан ёниб яшамоғимиз керак. Табиийки, юрагимизнинг бундай туйғу билан уриб туриши сиёсий онглилик даражамиз, маънавий етуклигимизга боғлиқ. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, бунинг бари битта тушунчага – миллий масъулият туйғусига муштарак.

Бу мавзуда гап очилган экан, фуқаролик масъулияти деган тушунча ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бу фуқаронинг Конституциямизга, қонунларимизга, ҳукумат қарорларига ҳурмат билан ёндашиш, уларни ҳаётга татбиқ этишда қай даражада масъулиятни ҳис қилиши билан ўлчанади. Демак, фуқароларимизда фуқаролик масъулияти қай даражада кучли бўлса, мамлакатимиз халқи шунчалар жипслашади, ўзаро дўстлик ришталари мустаҳкамланади. Юрт тинч бўлади, Ватан равнақ топиб бораверади, халқ фаровон бўлаверади. Бир сўз билан айтганда, буюк мақсадлар йўлида дадил одимлаймиз.

Хуллас, миллий ва фуқаролик масъулияти уйғоқ киши истиқлол туфайли эришаётган ютуқларимизни ҳис қилади, ўзининг шу Ватан, шу жамият учун кераклигини англайди. «Ватаним учун нимадир қилмоғим керак, мен Ватан учун нима қилдим», деган тушунчалар билан ёниб яшайди. Ҳа, таъкидланаётган масъулият тушунчаси уйғонгани, уйғоқлиги учун ҳам Ўзбекистон номини бошимиз узра кўтаряпмиз.

# ЗАКОВАТИМИЗ, КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА ИШОНЧ — ЭРТАМИЗГА ИШОНЧ

## Ватан ҳимояси — фазилат

Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимизнинг Хотира майдонига ташриф буюриб шундай деган эди: «...Бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга».

Ёшларимиз орасида Ватан ҳимояси бурч эмас, фазилатга айланиб бораётгани эртанги кунга ишончни ифодалайди. Оддий аскар Аброр Ҳамроев десантчилар қисмида хизмат қиляпти. Муддатли ҳарбий хизматгача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида ўқиди. Армияга керакли мутахассис сифатида борди. Қаранг, миллий армиямизга шунчаки эмас, балки муайян мутахассисликни эгаллаб, билим, заковатини ошириб борди. Унинг тенгдошлари билан суҳбат қурсангиз, аскар бўлишга, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор бўлишга интилишаётганини англайсиз. Бундай фарзандлари бор юртнинг юки ерда қолмайди.

Ҳамкасбим Шамшод Насруллаев деган олий маълумотли аскар ҳақида тўлиб-тошиб гапириб қолди. Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетини тугаллаб, аскарликка йўл олибди. Шу заминни кўз қорачиғидек асрашга, уни янада обод ва фаровон қилишга бор кучини, билимини сарфлашга, эр йигит сифатида юрт сарҳадларини муносиб ҳимоялашга шай турганлар истиқлол авлодларидир. Ислоҳотларимиз аввало инсон қалбига йўл топишга қаратилганининг самараси, бу.

Қалбида Ватан ҳимоячиси бўлишдек орзу шаклланаётган ўсмирга ҳавас қиласан, киши. Уларни мардлик ва матонат руҳида тарбиялаш, бу борада маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган воситаларни қўллаш сизу бизнинг вазифамиз. Хотира майдонида журналистларга интервью берар экан, бу борада Президентимиз шундай деди: «Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак».

Бу ён-атрофда бўлаётган воқеаларга огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик билан ёндашишимиз кераклигига даъват. Бу жисмонан, маънан чиниқиш, мустаҳкам ирода, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр фидойи инсонлар бўлиб шаклланишимизга даъват.

Мустаҳкам ирода, қатъият ва фидойиликнинг таърифига зарурат йўқ. Бу туйғулар лозим бўлса ҳаловатдан кечишни талаб этади. Орамизда шундайлар бор, шундайлар кўп.

**Алижон САФАРОВ,**
**подполковник**

# АКАМ ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ ЭКАНЛИГИДАН ФАХРЛАНАМАН

**(Сингилнинг аскар акасига очиқ мактуби)**

Ассалому алайкум, акажон! Соғлиғингиз яхшими? Хизматларингиз яхши кетяптими? Командирларингизнинг айтганларини ўз вақтида бажариб боряпсизми?

Бизлардан сўрасангиз, дадам ва ойим ҳар куни сизни эслаб, дуо қилишади. Соғинганлари туфайлими баъзан сизни мақташни жудаям ошириб юборишадики, шундай пайтда ўғил бола бўлиб туғилмаганимдан, ўрнингизда аскар бўлмаганлигимдан афсусланиб кетаман.

Мен эса хизмат бурчингизни ўташга кетишдан олдин тайинлаганингиздек айни кунда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарликни янада кучайтирдим – қўшимча машғулотларга қатнаяпман. Хавотирланманг, коллеждаги ўқишларимни ҳам ташлаб қўйганим йўқ, балларим юқори.

Хат орқали юборган суратингизни кўрдик, ҳарбий кийим сизга жуда ярашибди. Ойим суратингизни кўриб, «Болажоним» дея йиғлаб юбордилар. Хавотир олманг, бу соғинч ва севинч кўзёшлари эди. Қўллари дуода, сиз билан дийдорлашиш онларини кутиб юрибди. Дадам эса бундай ҳолатларда ойимга: «Нимага хавотирланасиз, ўғлимиз ўз юртимизда йигитлик бурчини ўтаяпти, ахир. Мана, телевизорда кўраяпсиз, миллий армиямизда ҳарбийлар учун яратилган шарт-шароитларни ва Қуролли Кучларимиз қанчалик куч-қудратга эгалигини. Албатта, бунинг боиси сиздек оналарнинг соғлом, бақувват фарзандларни улғайтириб бераётганидан. Бундан фақат ва фақат фахрланиш жоиз. Ҳали кўрасиз, ўғлимиз машғулотларда чиниқиб, янада бақувват йигит бўлиб келади», – қабилида танбеҳ беради.

Дадамнинг гапларида жон бор. Сизнинг дилингиздаги Ватанга муҳаббат, баҳодирлар касби саналган ҳарбий хизматга қизиқишингизни ҳам ойимнинг ўзлари уйғотган.

Яқинда коллежимизда Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллигига бағишланган «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Ҳарбий кийимдаги офицер ва аскарлар бизга меҳмон бўлиб келишди. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дарсида ўқитувчимиз миллий армиямиз ва ҳарбий хизмат ҳақида гапирди. Жумладан, «Ватанни мардлар, асл юрт ўғлонлари қўриқлайди, мана бундай забардаст йигитларимиз бор экан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо», – деди устозимиз ҳарбийлар томон мағрур боқиб. Ҳарбийлар ҳам сўзга чиқишди, улар қисқа, лекин лўнда гапирар экан. Коллежимиз ўқувчилари томонидан Ватан ҳақида, ҳарбий ватанпарварлик мавзусида шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради. Бу барчамизнинг руҳимизни кўтариб юборди. Ўша онларда Ватан ҳимоячилари сафида Сизнинг ҳам борлигингиздан дилимда фахр ҳиссини туйдим.

Гуруҳимиздаги ўғил болалар орасида ҳарбий бўлишни орзу қилаётганлар кўп. Ҳатто, баъзи дугоналарим ҳам бу касбга қизиқишади. Дугоналарим орасида акаси муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўташга кетганлар бор. Бир куни улар акаларининг ҳарбий кийимдаги суратларини олиб келиб, бир-бирларига кўрсатишди. Ҳаммалари келишган, бақувват йигитлар эди суратдагилар. Аммо барибир сизга етишолмайди. Таътилдан чиқиб олай, мен ҳам сизнинг юборган суратингизни олиб бориб уларга кўрсатаман ва сиздек аскар акам борлигидан ғурурланаман.

Эсингиздами, ҳар йили 14 январь куни «Акангга байрам муносабати билан совға бермайсанми?» дердингиз. Мен эса «Сиз ҳали ҳарбий хизматга бормагансиз-ку», деб вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қилардим. Ватан олдидаги бурчингизни аъло даражада ўтаб келинг, бундан буён ҳар йили 14 январда сизга, албатта, совға бераман.

Қўшнимизнинг кичик ўғли бор-ку, исми Жаҳонгир, кеча ундан «Катта бўлсанг, ким бўласан?» деб сўрасам, «ҳозир» деганча югуриб уйига кириб кетди. Бирпасдан сўнг дадасининг бош кийимини кийиб чиқиб, «генерал бўламан» дея жавоб қайтарди. Энди 5 ёшни қаршилаган болакайнинг шунга фаҳми етганини қаранг.

Хуллас, бизда шунақа гаплар. Ҳа айтганча, ойим боядан бери тепамда туриб олиб, бир гапини ёзишимни уқтиряпти, тингланг: «Ўғлим, тўйиб-тўйиб овқат еб, иссиқ кийиниб юргин. Кечалари ўраниб ёт, тағин шамоллаб қолмагин-а. Командирларингнинг айтганини қилгин, кам бўлмайсан, болам»...

Ҳа, ўзингиз билган ҳар доимги ойим, бизларни ҳали-ҳануз ёш бола деб ўйлайди. Майли акажон, хайр, соғ бўлинг! Ҳар доимгидек тонгда туриб югуришни, бадантарбия ва спорт билан шуғулланишни канда қилманг. Дарвоқе, мен ҳам ойимга ўхшаб кетяпман чоғи, ахир энди Сиз Ватан ҳимоячисиз-ку! Сизни яқинлашиб келаётган Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллик байрами билан чин дилдан табриклаб, акаси Ватан ҳимоячиси эканлигидан фахрланувчи синглингиз.

**Кумушбиби ЭРМАТОВА**




***Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 21 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.***

# МУҚАДДАС БУРЧ

Тадбир Юнусобод тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан ташкиллаштирилди.

Кечада Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази директори ўринбосари А.Исмоилов «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бош мақсадимиздир», Юнусобод тумани ҳокими Ш.Жўраев «Ватанни севиш, асраш — муқаддас бурч!», Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, шоир Сирожиддин Саййд «Юртимнинг фидойи, мард ўғлонлари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Абдухалилова, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли хонандалари О.Эргашев, Ҳ. Ҳалимқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Д.Раҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сўз устаси Ш. Исроилов, «Зулфия» мукофоти совриндори Ш.Маматова, эстрада хонандалари Афсона, Муҳаммадумар Исоқовлар ҳам ўзларининг дилкаш куй-қўшиқлари билан йиғилганларга қувонч улашишди.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

***Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш юзасидан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент бирлашган техника мактаби негизида катта байрам тадбири бўлиб ўтди.***

Унда «Ватанпарвар» ташкилоти фахрийлари, ушбу ташкилотнинг туман бўлимлари раҳбарлари, Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг келажакда ўз йўлларини топишларида Тошкент бирлашган техника мактабининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг байрам муносабати билан «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг намунали ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган курсантларига, номинациялар бўйича танлов ғолибларига ва фахрийларга шаҳар Кенгашининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Шу куни мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Мирзо Улуғбек туман ўқув спорт техника клуби нодавлат таълим муассасаси раиси Феруза Турдиеванинг қувончи чексиз бўлди. Негаки у «Энг намунали бошланғич ташкилот» номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

– Бошланғич ташкилот аъзолигига 18 ва ундан катта ёшдаги кишиларни қабул қиламиз.– дейди Феруза опа. – Бизнинг ташкилотга айни пайтда 1308 киши ихтиёрий равишда аъзо бўлиб, хизматларимиздан фойдаланиб келмоқда. Оммавий касб эгаларини етиштириб чиқариш бўйича тайёрланган режа ҳар йили юқори кўрсаткичларда бажарилади. Ёзги биатлон, пневматик милтиқдан ўқ отиш спорт турлари бўйича ижобий натижаларга эришяпмиз. Шунингдек, «Б» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, О. Омонова «Энг намунали ЎСТК», В. Иванова «Энг яхши мураббий», Е. Андреева «Энг яхши ҳакам» ҳамда Н. Соев «Энг яхши спортчи» номинациялари бўйича дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Бу каби тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга Ватанимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, аҳоли, айниқса чақириққача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматдаги аскарларни Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан таништириш ва жамиятда ҳарбийлик касбининг нуфузини оширишдан иборат. Ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Шу ўринда ташкилот тасарруфидаги ўқув спорт техника клублари қошидаги ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўгаракларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг спортнинг бир қанча турларига қизиқишларини кўриб, уларнинг Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига ишончимиз ортади.

**Отабек ОТАЁРОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., Ваз-2102 русумли, д/р 11 V 872 DA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 357 131 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3912 - ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и/ч., Газ-21 русумли, д/р К 9894 ТШ бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 694 010 сўм. 3. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., Ваз-2102 русумли, д/р 11 Р 6347 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 674 544 сўм. 4. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Иж 2125 русумли, д/р 11 I 2296 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 701 234 сўм. 5. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч., М-412 ИЭ русумли, д/р 11 G 4538 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 285 531 сўм. 6. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Уаз-452 А русумли, д/р 11 Т 9673 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 128 325 сўм. 7. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., Заз-968 М русумли, д/р 11 S 1813 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 92 477 сўм. 8. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и/ч., М-412 русумли, д/р Ж 9191 ТШ бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 206 676 сўм. 9. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., Москвич-2140 русумли, д/р 11 V 5694 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 818 667 сўм. 10. 23.07.2012 й. № 7691-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и/ч., Ваз-2103 русумли, д/р 11 Z 4513 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 539 836 сўм. 11. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 L 48 29 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 744 280 сўм. 12. 14.11.2011 й. № 13129 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч., Уаз-452 русумли, д/р 11 N 2357 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 770 538 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. 13. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч., ДТ-75 русумли, д/р сиз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 053 077 сўм. 14. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., Газ-5201 русумли, д/р 11 С 6984 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 667 225 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. 15. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 18.06.2012 й. № 7320/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч., Спарк русумли, д/р 01 W 724 КА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 700 000 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 16. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., IVEKO русумли, д/р 31 R 1924 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 109 596 477 сўм. 17. 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., HATSAN русумли, д/р 31 R 2316 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 57 719 900 сўм. "АРК булоқ" ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда. 18. Сергели тумани СИБ томонидан 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 341 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 19. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 014 ЕВА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 20. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 846 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 21. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 168 НАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 22. 18.01.2012 й. № 1117/17721-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., Газ 322131-95 русумли, д/р 01 819 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 463 936,16 сўм. 23. Сергели тумани СИБ томонидан 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 674 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 034 000 сўм. 24. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 675 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 356 000 сўм. 25. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 676 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 699 000 сўм. 26. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 677 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 414 000 сўм. 27. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 678 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 553 000 сўм. 28. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 679 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 626 000 сўм. 29. 13.01.2012 й. № 10-1104/20588-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1996 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AG 680 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 643 000 сўм. 30. 27.06.2011 й. № 1121/6473-сонли ижро ҳужжатига ва бошқа ижро варақаларга асосан 1997 й. и/ч., Тико русумли, д/р 10 AF 254 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 950 000 сўм. 31. 24.09.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и/ч., Мерседес-Бенц русумли, д/р 10 AG 777 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 68 489 632 сўм. 32. 24.09.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч., Дамас русумли, д/р 10 BJ 015 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 896 350 сўм. 33. Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.05.2012 й. № 1-162/12 -сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., Ваз-2107 русумли, д/р 01 X 997 НА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 200 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 12 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 12 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 27 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

«NIDO-PLUS» ХУЖМ ширкатининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яккасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 36-уй, 1/2-10-хонадонда яшовчи Хожиев Толиб Тожиевичга тегишли бўлган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **12 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб қорга айланиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-15 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 2 даража атрофида совуқ, кундузи — 2 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 **январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Газетанинг навбатдаги сони 15 январда чиқади.

